

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил ноябрь ойининг 4 куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди, “Халқабод” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья Х.Ф.Хамидов,

судья ёрдамчиси Д.Файзиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Янгийўл туман прокурори ёрдамчиси ёрдамчиси С.Самигжанов, судланувчи У.Ххх ва унинг ҳимоячиси А.Мирсадиқовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган,

1900 йил 00 март куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Ххх” маҳалласи, Ххх кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 28.10.2024 йилда олган, **Ххх Ххх Ххх** (Ххх Ххх Ххх)га

оид 1-1118-2401/320-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд, судланувчи кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Ххх ўзи истиқомат қилиб келаётган хонадонининг ховлисида, яъни томорқасидаги иссиқхона ва девор ўртасида, таркибида гиёхвандлик моддаси мавжуд бўлган “каннабис” ўсимлиги уруғларини сепиб, ушбу уруғларни униб чиқиши учун парваришлаб, суғориб жами **жами тўрт (тўрт)** туп “**каннабис**” ўсимлигини етиштириб келаётганлигини, Тошкент вилояти Янгийўл туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан “Ххх – 2024” кенг қамровли профилактик тезкор тадбири давомида кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечиришни ўтказиш ҳақидаги қарори асосида ўтказилган 2024 йил 17 август кунидаги тадбирда аниқланиб, ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган.

Судга оид кимиёвий экспертизасининг 01.09.2024 йилдаги №1657 ва 1658-сонли хулосасига кўра, У.Хххнинг хонадонидан олинган 4 туп ўсимлик туплари таркибида фаол гиёванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган – **КАННАБИС ЎСИМЛИГИ** туплари эканлиги аниқланган.



Янгийўл тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг берган хулосасига кўра, У.Хххнинг хонадонининг 5 кв/м майдондаги 4 туп наша ўсимлигининг тағларига ишлов берилганлиги ва ўсимликнинг парваришланганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Ххх эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йилнинг февраль ойида Ххх МФЙда жойлашган балиқ ҳовузига балиқ овлаш учун борган вақтида ўша ерда яшил рангли, кўринишидан каннабис гиёхвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик тупларини кўриб қолганлигини, шунда у ушбу ўсимликларни юлиб олиб хидлаб кўриб каннабис эканлигини билиб ушбу ўсимлиги тупларини териб олиб, уйига қайтиб келиб, қуритиб ўзи учун чекиш йўли билан истеъмол қилиб келганлигини, ёз ойларига келиб, у иссиқхона атрофини тозалаётган вақтида илгари у каннабис ўсимлигини яшириб қўйган иссиқхона билан девор ўртасидаги ердан каннабис ўсимлиги туплари ўсиб ётганлигини кўриб қолганлигини, у ушбу каннабис ўсимлиги тупларини ўсиши учун унинг тагини юмшатиб, чолиб, сув қуйиб юрганлигини, 2024 йилнинг 17 август куни соат 11:00 лар атрофида у уйда бўлган вақтида ИИБ ходимлари ва 2 нафар холислар иштирокида унинг яшаш хонадонини кўздан кечириб иссиқхона билан девор ўртасидаги йўлакни текширишганида, у ердан у аввалдан парваришлаб келган 4 туп каннабис ўсимлиги тупларини топишганлигини, ИИБ ходимлари ундан ушбу ўсимлик кимга тегишли эканлигини сўрашганида, у ушбу каннабис ўсимликлари ўзига тегишли эканлигини, ўз истеъмоли учун парваришлаб келаётганлигини айтганлигини, сўнг ИИБ ходимлари холислар иштирокида ундан каннабис ўсимлигини далилий ашё тариқасида олиб қўйишганлигини ва у ИИБ ходимларига бўлган холат юзасидан тушунтириш хатлари ёзиб берганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондалигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини инobatга олиб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Судланувчи У.Ххх ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Ххх ва Ф.Хххларнинг кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатни фикрини, судланувчининг берган кўрсатувини эшитиб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи У.Хххнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, ИИБ ходимларининг билдиргиси, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, дастлабки тушунтириш хатлари, Янгийўл тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими мутахасисининг маълумотномаси, суд-кимёвий экспертизасининг 01.09.2024 йилдаги №1657 ва 1658-сонли хулосалари, нарсани далилий далилий ашё деб эътироф этиш ва жиноят



ишига қўшиш ҳақида қарор, шунингдек, жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хххнинг жиноий ҳаракатининг юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг *“ўзи истиқомат қилиб келаётган хонадоннинг ховлисида, яъни томорқасида, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган “каннабис” ўсимлиги уруғларини сепиб, ушбу уруғларни униб чиқиши учун парваришлаб, суғориб жами жами 4 (тўрт) туп “каннабис” ўсимлигини етиштирган*”ликдаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми, яъни *“Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришда ифодаланган”* аломатлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хххга жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Шунингдек, суд судланувчи У.Хххга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини, шунингдек, судланувчи У.Ххх томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиб, унга нисбатан унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазо турини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, суд-наркологик экспертизасининг 24.09.2024 йилдаги 115-сонли далолатномасига кўра, У.Хххни гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чораларини қўлламасликни лозим топади.



Шунингдек суд, ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МТХБда сақланаётган хўл ҳолдаги 4 туп каннабис ўсимлигини йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддалари тартибида, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ххх Ххх Ххх (Ххх Ххх Ххх) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан иш ҳақини 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 (бир) йил 6 (олти) ой** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, жазо ижросини назорат қилувчи ИИО Пробация гуруҳи томонидан белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатиришлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазони ўташ муддати, ҳукм ижрога қаратилиб Тошкент вилояти Янгийўл туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан У.Хххнинг иш жойига хабарнома юборилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазолар ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Янгийўл туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг У.Хххга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МТХБда сақланаётган хўл ҳолдаги 4 туп каннабис ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанциясига шу суд орқали шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Х.Ф.Хамидов

Аслига тўғри. Судья:

